

# **ЕХХТ**

**Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг  
ОАВ эркинлиги масалалари Вакили**

**Ўн учинчи Марказий Осиё ОАВ анжумани**

**Плюрализм ва Интернетни бошқариш**

**Душанбе, Тожикистон  
2011 йил 29-30 ноябрь**

## **ДЕКЛАРАЦИЯ**

ЕХХТнинг Марказий Осиё мамлакатларидаги миссиялари билан биргаликда ОАВ эркинлиги масалалари бўйича ЕХХТнинг Вакил Бюроси томонидан ташкил қилинган Ўн учинчи Марказий Осиё ОАВ анжумани 2011 йилнинг 29-30 ноябрь кунлари Душанбе шаҳрида (Тожикистон) бўлиб ўтди. Қатор йиллар мобайнида Марказий Осиё ОАВ анжумани ОАВ соҳасидаги вазият ҳамда Марказий Осиё давлатлари журналистлари ҳамкорлигининг истиқболлари муҳокама қилинадиган ўзига хос ягона форуми бўлиб келмоқда.

Икки кунлик анжуманда бир юз элликдан ортиқ ҳокимият вакиллари, парламент аъзолари, журналистлар, ОАВ соҳаси мутахассислари ҳамда Марказий Осиё фуқаролик жамияти вакиллари иштирок этдилар.

ОАВ плюралиزمи ва Интернетни бошқариш мавзулари анжуман диққат марказида бўлди. Анжуман иштирокчилари плюрализмни ривожлантиришда Интернетнинг бутун ЕХХТ минтақаси, хусусан Марказий Осиёдаги, ролини муҳокама қилиб, ушбу соҳада халқаро андозалар ва миллий амалиётни ўрганиб чиқдилар ҳамда тажриба алмашдилар. Шу билан бирга Марказий Осиё ОАВ эркинлиги борасидаги вазият муҳокама қилинди.

*Анжуман:*

1. Минтақавий, шу жумладан ОАВ соҳасидаги манфаатдор томонларлар ўртасидаги, ҳамкорликнинг муҳим ролини тан олган ҳолда Марказий Осиё давлат органлари, фуқаролик жамияти ва ОАВ вакилларининг анжумандаги иштирокини қутлайди.
2. Интернетнинг ОАВ ва хусусий шахслар (фуқаролик журналистлари ва блогерларни ҳисобга олган ҳолда) томонидан ишлатилиши ёки ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш фикр билдириш эркинлиги каби инсон асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси таъминланган тарзда амалга оширилиши кераклигини тан олади.

3. Контентни блокировка ва филтрлаш орқали давлат аралашувига альтернатив йўл сифатида фойдаланувчилар контент юзасидан мустақил қарор қабул қилишлари учун уларнинг интернет саводхонлигини оширишмоқ муҳимлигини таъкидлайди.
4. Ҳокимият органларини замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ёрдамида ахборотни янада эркин ва кенг тарқатилишини ривожлантириш учун барча зарур техник ва қонуний шарт-шароитларни яратишга чорлайди.
5. Ҳокимият органларини барча фуқаролар учун ҳеч қандай тўсиқ ва давлат аралашувисиз Интернетга чиқиш имкониятини кафолатлаш мақсадида техник тараққиётни қўллаб-қувватлашга чорлайди.
6. Ҳокимият органларини ЕХҲТ олдидаги мажбуриятларига мувофиқ равишда ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро Пакти ва Европа инсон ҳуқуқлари Конвенцияси руҳига мос тарзда Марказий Осиё мамлакатларида Интернет эркин фикр билдиришнинг очиқ ва оммабоп форуми бўлиб қолмоғини кафолатлашга чорлайди.
7. Интернет ва ундаги ахборотга чиқиш имконияти халқаро андозаларга мувофиқ равишда миллий қонунчиликда ўз аксини топиб, фикр билдириш ва ахборот эркинлиги ҳуқуқининг ажралмас қисми сифатида тан олиниши лозимлигини таъкидлайди.
8. Интернет ахборотнинг эркин, шу жумаладан давлатлараро, оқими учун ўзига хос имкониятларни яратишини таъкидлади. Бу эса ЕХҲТ доирасидаги таянч мажбуриятлар сирасига киради.
9. Ҳокимият органларини Интернет эркинлигини чекловчи чора сифатида Интернетга уланиш имкониятини блокировка қилишдан тиймоққа чорлади.
10. Эркин фикр билдириш ҳуқуқи нафақат анъанавий алоқа воситалари, балки Интернетдаги янги ОАВга ҳам тегишли эканлигини таъкидлайди. Ушбу ҳуқуқнинг ҳар қандай чекловлари фақатгина қонуний мақсадларда ва жамият манфаатлари йўлида ўрнатилишига йўл қўйилиб, бунда чекловлар мутаносиблик ва зарурият мезонларига мувофиқ бўлиши ҳамда қонун билан белгиланган бўлиши лозим.
11. Ҳокимият органларини ҳокимиятни суиистеъмол қилмасликка ҳамда қонунлар ижроси очиқ ва транспарентлигини таъминлаш йўлида қонунчиликда ноаниқ таърифлашларни олдини олиш мақсадида ОАВни бошқариш борасидаги илғор юридик амалиётга таянмоққа ва мунозарали қарорлар устидан шикоят бериш имкониятини кўзда тутишга чорлайди.

12. Ҳокимият органларини фикрлар плюрализмини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга ҳамда ОАВни таъқиб ва монополизация қилишдан тиймоққа чорлайди.
13. ОАВ плюрализми Интернет муҳим рол ўйнайдиган демократик жамият мавжудлигининг бош қадрияти ва асосий шартларидан бири эканлигини таъкидлайди.
14. Ҳокимият органларини ҳаммабоп ва юқори сифатли Интернетни ривожлантиришни таъминлашга ҳамда фуқароларга, шу жумладан қишлоқ ва олис туман аҳолисига, Интернетни тақдим этиш мақсадида провайдерлар ўратисида соғлом рақобат учун қулай шароитлар яратишга чорлайди.
15. Провайдерлар фаолияти бошқа тадбиркорлик субъектлари фаолияти тартибга солинишининг доирасидан ташқарисига чиқувчи давлат органларининг қўшимча чекловларига мубтало бўлмаслигини таъкидлайди. Боз устига, провайдерлар маълум контент мазмунига жавоб бермасалар ёки қонунга хилоф контентни йўқ қилиш тўғрисидаги суд қарорини бажаришдан бош тормасалар, улар кўрсатаётган хизматлар орқали тарқатилган контент юзасидан жавобгарликни олмасликлари керак.
16. Давлатларни трафик маълумоти сақловининг муддати ва суръатини чеклашга ҳамда, улардан ушбу маълумотларни сақлаш талаб қилинса, Интернет провайдерлари харажатларини минимумга келтиришга чорлайди. Бундай талаблар фақатгина аниқ ифода этилган ва асосланган мақсадларга эришиш учун қўйилиши керак.
17. Тармоқ бетарафлигининг ҳимоясини таъминлаш зарурлигини таъкидлайди. Бу Интернетда ишлаш учун қўлланилаётган ускунаси, контент тури, унинг муаллифи, яратилган жойи ва ахборот вазифасидан қатъий назар тармоққа жойлаштирилган ахборот ёки трафик фойдаланувчилар учун бир хилда очиқлиги ўз ичга олади.
18. Ҳокимият органларини провайдерлар тармоқ бетарафлигининг тамойилига риоя қила олишлари ва транспарент тармоқ трафик бошқаруви сиёсатини олиб боришлари учун шарт-шароит таъминлашга чорлайди. Тармоқ ва хизматларга эришишнинг холис йўли кафолатланмоғи лозим.
19. Ҳокимият органларини Интернет бошқаруви соҳасидаги сиёсат ва қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда, шу билан бирга рақамли телерадиоэшиттиришга ўтиш жараёнида, фуқаролик жамиятини кенг жалб қилиш ва улар билан маслаҳатлашишга чорлайди. Ҳокимият органлари рақамли телерадиоэшиттиришга ўтишдан эшиттирувчи ОАВ плюрализмини таъминлаш мақсадида фойдаланмоқлари керак.

\* \* \*